



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI NOMIDAN
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

Навоий шаҳри

2022 йил 13 декабрь

4-2101-2202/5054-сонли иш

Кармана туманлараро иқтисодий суди судьяси Б.Джумаев раислигида, судья ёрдамчиси М.Жамиловнинг котиблигида, “О” масъулияти чекланган жамиятининг жавобгар “М” масъулияти чекланган жамиятига нисбатан тақдим этган даъво аризаси бўйича ишни очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Даъвогар “О” масъулияти чекланган жамияти судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар жавобгар “М” масъулияти чекланган жамиятидан 505.000.000 сўм асосий қарз ундиришни сўраган.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакиллари даъво талабини қўллаб-қувватлаб, етказиб берилган маҳсулот учун тўловлар қисман амалга оширилганлигини билдириб, даъво талабини қаноатлантиришни сўради.

Белгиланган тартибда хабардор қилинган жавобгар вакили суд мажлисида иштирок этмади. Суд, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг (кейинги ўринларда ИПК деб юритилади) 128, 170-моддасига асосан ишни унинг вакили иштирокисиз тўпланган ҳужжатлар асосида кўриб, ҳал қилишни лозим топади.

Иш ҳужжатларидан маълум бўлишича, тарафлар ўртасида 2021 йил 30 декабрь куни 17-сонли маҳсулот етказиб бериш шартномаси тузилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда-ФК)нинг 386-моддасига кўра, олди-сотди шартномаси бўйича бир тараф (сотувчи) товарни бошқа тараф (сотиб олувчи)га мулк қилиб топшириш мажбуриятини, сотиб олувчи эса бу товарни қабул қилиш ва унинг учун белгиланган пул суммаси (баҳоси)ни тўлаш мажбуриятини олади.

Даъвогар томонидан шартномага мувофиқ, ҳисоб-фактураларга асосан жами 605.000.000 сўмлик маҳсулотлар етказиб берилган бўлса-да, етказиб берилган товарлар учун тўловлар тўлиқ амалга оширилмаган.

Шартноманинг 1.4-бандига асосан етказиб берилиши лозим бўлган товарлар учун 100 фоиз олдиндан амалга оширилиши белгиланган.

Бироқ, жавобгар томонидан ушбу тўловлар амалга оширилмаган.

ФКнинг 234-моддасига кўра, мажбурият фуқаровий ҳуқуқий муносабат бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, чунончи: мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳаказо ёки



муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади, кредитор эса қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

ФКнинг 236-моддасига кўра, мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Даъвогар томонидан даъво судга тақдим этилгандан сўнг жавобгар томонидан қарздорлик қисман 6.000.000 сўм тўланган.

Шунга кўра, суд, даъвогарнинг даъво талабини қисман қаноатлантиришни ва 499.000.000 сўм асосий қарз ундиришни лозим топади.

ИПК 118-моддасининг биринчи қисмига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Шу сабабли суд, ишни кўриш билан боғлиқ бўлган суд харажатларини қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда жавобгарнинг зиммасига юклашни, жавобгардан даъвогар фойдасига олдиндан тўланган 10.100.000 сўм давлат божи ва 24.000 сўм почта харажатлари ундиришни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 176, 179-моддаларини қўллаб, суд

ҚАРОР ҚИЛДИ:

Даъвогарнинг даъво талаби қисман қаноатлантирилсин.

Жавобгар “М” масъулияти чекланган жамиятидан даъвогар “О” масъулияти чекланган жамияти фойдасига 499.000.000 сўм асосий қарз, олдиндан тўланган 10.100.000 сўм давлат божи ва 24.000 сўм почта харажатлари ундирилсин.

Даъво талабининг қолган қисми рад этилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, ижро варақалари берилсин.

Мазкур ҳал қилув қарори устидан бир ойлик муддатда апелляция тартибда Навоий вилоят судига шикоят (протест) киритиши мумкин.

Судья

Б.Джумаев

